## Интеллектуал мулк маълумотларини бошқариш

### Интеллектуал мулкни киритиш

Интеллектуал мулкни киритиш тизимнинг **Ilmiy faoliyat / Intellektual mulklar** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




1-расм. Интеллектуал мулкни киритиш

Интеллектуал мулкни тизимга **+Kiritish** тугмасини босиш орқали киритиш мумкин ёки бошқа ҳаммуаллифлар томонидан интеллектуал мулк киритилган бўлса **+Tanlash** тугмасини босиш орқали ўқитувчи ўзининг интеллектуал мулкларига қўшиши мумкин.

Интеллектуал мулкни яратиш учун **+Kiritish** тугмаси танланг, натижада интеллектуал мулк маълумотларини шакллантириш ойнаси очилади. Ушбу ойнадаги маълумотларни қуйидагича шакллантиринг:

- **Xodim** майдонида ходимнинг Ф.И.Ш. автоматик тарзда шаклланади, ушбу майдонни ўзгартиришга рухсат йўқ;
- **Int. mulk turi** майдонидан интеллектуал мулк турини танланг;
- **Int.mulk nomi** майдонига интеллектуал мулк номини киритинг;
- **Int. mulk raqami** майдонига интеллектуал мулк рақамини киритинг;
- **Int. mulk sanasi** майдонидан санани танланг;
- **Mualliflar soni** майдонига муаллифлар сонини киритинг;
- **Mualliflar** майдонига агар муаллифлар бир нечта бўлса уларни Ф.И.Ш.ларини киритинг;
- **Nashr parametrlari** майдонига нашр параметрларини киритинг;
- **Nashr yili** майдонидан нашр йилини танланг;

**Saqlash** тугмасини танлаш орқали маълумотларни сақланг (2-расм).




2-расм. Интеллектуал мулк маълумотларни шакллантириш

Яратилган интеллектуал мулклар рўйхатини кўриш тизимнинг **Ilmiy faoliyat / Intellektual mulklar** менюси орқали амалга оширилади (3-расм).




3-расм. Интеллектуал мулклар рўйхати

Юқоридаги кетма-кетлик асосида асосида барча интеллектуал мулклар яратиб олинади.

## Интеллектуал мулкни таҳрирлаш

Интеллектуал мулкни таҳрирлаш учун интеллектуал мулклар рўйхатига ўтинг (3-расм). Интеллектуал мулклар рўйхатидан интеллектуал мулкни танлаш орқали таҳрирлаш ойнасига ўтинг (2-расм). Таҳрирлаш ойнасидан таҳрирлашни амалга оширинг ва **Saqlash** тугмасини танланг.

## Интеллектуал мулкни ўчириш

Интеллектуал мулкни ўчириш учун таҳрирлаш ойнасидан **O'chirish** тугмасини танланг (2-расм).

## Ҳаммуаллифлик асосида яратилган интеллектуал мулкни шакллантириш

Ҳаммуаллифлик асосида яратилган интеллектуал мулкни қўшиш учун тизимнинг **Ilmiy faoliyat / Intellektual mulklar** менюсини танланг (4-расм).




4-расм. Интеллектуал мулклар рўйхати

**+Tanlash** тугмасини босиш орқали интеллектуал мулклар рўйхатига ўтинг (5-расм).




5-расм. Интеллектуал мулклар рўйхати

Ҳаммуаллифликда яратилган ишларни бириктириш учун рўйхатдан интеллектуал мулкни танланг ва **Qo'shish** тугмасини босинг. Натижада танланган интеллектуал мулк нашрлар рўйхатига қўшилади. Қўшилган интеллектуал мулкни кўриш учун тизимнинг **Ilmiy faoliyat / Intellektual mulklar** менюсини танланг (6-расм).




6-расм. Интеллектуал мулклар рўйхати

Интеллектуал мулклар рўйхати ойнасига қарайдиган бўлсак текшириш ойнасида қизил рангда **Muallif tasdiqlanmagan** ёзуви бор. Ҳаммуаллифдаги интеллектуал мулкни қўшгандан сўнг асосий муаллифга яъни интеллектуал мулкни яратган фойдаланувчига сўров жўнатади. Интеллектуал мулкни яратган асосий фойдалунувчи сўровни қабул қилиб тасдиқласа, шундан сўнг ҳаммуаллиф ойнасида **муаллиф тасдиқланган** деган ёзув пайдо бўлади.

## Интеллектуал мулкни яратган асосий муаллиф тамонидон сўровни қабул қилиш

Интеллектуал мулкни яратган асосий муаллиф тамонидон сўровни қабул қилиш учун асосий муаллиф профили орқали тизимнинг **Ilmiy faoliyat / Intellektual mulklar** менюсига киринг (7-расм).




7-расм. Интеллектуал мулклар рўйхати

Интеллектуал мулклар рўйхатига қарайдиган бўлсак **So'rov** майдонида **1 та** сўров пайдо бўлганини кўриш мумкин. Сўровни қабул қилиш учун **So'rov** майдонидаги **1** сонини танланг. Натижада интеллектуал мулк маълумотларини таҳрирлаш ойнаси очилади (8-расм).




8-расм. Интеллектуал мулк маълумотларини таҳрирлаш

Интеллектуал мулк маълумотларини таҳрирлаш ойнасининг муаллиф қисмидаги фойдаланувчига тегишли **Faol** майдонини актив ҳолатга келтиринг, сўнгра **Saqlash** тугмасини танланг. Натижада сўров қабул қилинади. Сўров қабул қилинганлигини интеллектуал мулклар рўйхатига ўтиб кўриш мумкин (сўров устунида 1 сони кўринмайди) (9-расм).




9-расм. Интеллектуал мулклар рўйхати

Ҳаммуаллиф профилининг **Ilmiy faoliyat / Intellektual mulklar** менюсига қарайдиган бўлсак интеллектуал мулкнинг текшириш устунида яшил рангда **Muallif tasdiqlangan** деган ёзувни кўриш мумкин (10-расм).




10-расм. Интеллектуал мулклар рўйхати

Юқоридаги кетма-кетлик асосида интеллектуал мулкларни киритиш ёки танлаш орқали шакллантириб олиш мумкин.

## Ҳаммуаллифлик асосида қўшилган интеллектуал мулкни таҳрирлаш

Ҳаммуаллифлик асосида қўшилган интеллектуал мулкни таҳрирлаш учун тизимнинг **Ilmiy faoliyat / Intellektual mulklar** менюсига ўтинг (10-расм). Интеллектуал мулклар рўйхатидан интеллектуал мулкни танлаш орқали таҳрирлаш ойнасига ўтинг (8-расм). Таҳрирлаш ойнасидан таҳрирлашни амалга оширинг ва **Saqlash** тугмасини танланг

## Ҳаммуаллифлик асосида қўшилган интеллектуал мулкни ўчириш

**Муҳим!** Хаммуаллифлик асосида қўшилган интеллектуал мулкни ҳаммуаллиф томонидан ўчиришга рухсат берилмайди. Фақат асосий муаллиф ўчириш мумкин.